

2-ТОМ, 1-СОН
НОТЎҚИМА МАТОЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА
ИККИЛАМЧИ МАТЕРИАЛ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

С.У. Патхуллаев

Аннотация. Ушбу мақолада нотўқима матоларнинг технологик кўрсаткичларига иккиламчи материал ресурсларининг таъсири тадқиқ этилиб, чизиқли зичлиги 23,6 дан 35,6 g/m гача, сирт зичлиги 118,2 дан 176,2 g/m² гача, ҳажм зичлиги 0,18 дан 0,20 mg/mm³ гача оралиғида ўзгариб боргани аниқланган.

Аннотация. В работе исследовано влияние вторичных материальных ресурсов на технологические показатели нетканых полотен, было выявлено изменения линейной плотности в пределах от 23,6 до 35,6 г/м², поверхностной плотности от 118,2 до 176,2 г/м², объёмной плотности от 0,18 до 0,20 мг/мм³.

Нотўқима мато ишлаб чиқаришда кўплаб чиқиндилар ва иккиламчи хомашё ишлатилади. Уларни қайта ишлашда биринчи навбатда аралаш-тиришдан олдин амалга ошириладиган жараёнларга эътиборни кўпроқ қаратиш лозим. Аралашмада нечта турдаги чиқинди ва тола бўлишига қараб агрегатнинг дастлабки босқичида бир нечта тармоқлар ташкил этилади. Уларни аралаштиргандан кейин эса биргаликда титиш ва тозалашни давом эттириш мумкин.

Тўқиш-тикиш усулида нотўқима мато ишлаб чиқаришда танда ипларидан ҳосил қилинадиган турли кўринишдаги тўқималардан фойдаланилади. Нотўқима матоларнинг технологик кўрсаткичларига массаси, қалинлиги, эни, 1 м² матодаги ипнинг узунлиги, чизиқли зичлиги, сирт зичлиги, ҳажм зичлиги қиради. Матонинг сирти иплар билан тўлганлик даражаси уларнинг юза тўлдирилишини ва ҳажми билан тўлганлик даражаси эса уларнинг ҳажмий тўлдирилишини кўрсатади.

Нотўқима матоларнинг чизиқли ва махсус кўрсаткичлари мато кўрсаткичларини аниқлаш усули билан аниқланади. Яъни, чизиқлик кўрсаткичлари узунлиги, эни миллиметрли чизғич билан, қалинлиги толциномер асбобида аниқланади.

Нотўқима матоларнинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш учун 50% пахта толаси билан 50% пахта толаси иккиламчи материал ресурслари, 50% пахта толаси билан 50% ипак иккиламчи материал ресурслари, 50% пахта толаси билан 50% жун толаси билан 50% иккиламчи материал ресурслари, 70% пахта толаси билан 30% жун толаси



2-TOM, 1-SON

иккиламчи материал ресурсларидан олинган аралашмаларидан фойдаланилди (1-жадвал).

1-жадвал

Нотўқима матоларнинг технологик кўрсаткичларига иккиламчи материал ресурсларининг таъсири

т/р	Нотўқима матодаги иккиламчи материал ресурслари	Нотўқима матонинг массаси, g	Нотўқима матонинг қалинлиги, mm	Нотўқима матонинг эни, mm	1 м ² матодаги ипнинг узунлиги, mm	Нотўқима матонинг чизиқли зичлиги, g/m	Нотўқима матонинг сирт зичлиги, g/m ²	Нотўқима матонинг ҳажм зичлиги, mg/mm ³
1.	50% пахта толаси билан 50% пахта толаси иккиламчи материал ресурслари	5,79	0,69	203	202	28,6	141,3	0,20
2.	50% пахта толаси билан 50% ипак иккиламчи материал ресурслари	4,80	0,60	200	203	23,6	118,2	0,19
3.	50% пахта толаси билан 50% жун толаси иккиламчи материал ресурслари	5,96	0,71	202	206	28,9	143,2	0,20
4.	70% пахта толаси билан 30% жун толаси иккиламчи материал ресурслари	7,30	0,94	202	205	35,6	176,2	0,18



2-TOM, 1-SON

Синов натижалари таҳлилидан кўриниб турибдики, таркиби турлича бўлган нотўқима матоларнинг массаси 4,8 дан 7,3 г гача, қалинлиги 0,60 дан 0,94 mm гача, эни 202 дан 203 mm гача, 1 м² матодаги ипнинг узунлиги 202 mm дан 206 mm гача, чизикли зичлиги 23,6 дан 35,6 g/m гача, сирт зичлиги 118,2 дан 176,2 g/m² гача, ҳажм зичлиги 0,18 дан 0,20 mg/mm³ гача оралиғида ўзгариб борган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Patxullayev S.U., Islambekova N.M., Kulmetov M., Ochilov T.A.,Valieva Z.F. Determination of the Quality Characteristics of Fibers Obtained From Mulberry Bark// J “IJRTE” International Journal of Recent Technology and Engineering ISSN: 2277-3878, Technology -2020, -Vol. 8- Issue 5 -N. 5647-5651. (scopus)

2. Patxullayev S.U., Islambekova N.M., Khaydarov S.S. Improvement of the Method for Unloading Cocoons// J. “IJARSET” International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology -2020, -Vol. 7- Issue 2 -N. 12951-12956. (05.00.00; №8)

